

## Маҳаллалар аҳолига чинакам кўмак кўрсатувчи тузилмага айланади



Президентнинг янги фармонида маҳаллаларни аҳолига чинакам кўмак кўрсатувчи тузилмаларга айлантириш қўзда тутилган.

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, уларни жойларда халқнинг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айлантириш Президентнинг 3 февралдаги маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги [фармонида](#) белгилаб берилди.

Фармонга берилган расмий шарҳда келтирилишича, мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замонавий талаблари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Хозирги кунда мамлакатда 10 мингга яқин фуқаролар йигинлари томонидан илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таалтуқли бўлган 30 дан зиёд ижтимоий-иктисодий аҳамиятга молик вазифалар муваффақиятли бажариб келинмоқда. Конституцияда шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йигинлари ўзини ўзи бошқаришнинг худудий бирликлари сифатида мустаҳкамлаб қўйилди. 100дан ортиқ норматив-хукуқий хужжатларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётининг муайян соҳасидаги иштироки ўз аксини топди.

Фармонда маҳалла институтини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида жамиятда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик мухитини шакллантиришда, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда маҳаллаларнинг аҳамияти ва нуфузини янада ошириш белгиланган.

Шунингдек, ёшларни маънавий бой ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ёш авлодни мағкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш қайд этилган.

Бундан ташқари, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, хукуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтиришда маҳаллаларнинг бевосита иштирокини кенгайтириш кўрсатиб ўтилган.

Кенгашларнинг нуфузи ва мақомини ошириш, жойларда аҳоли томонидан кўтарилаётган

масалаларни ижро ҳокимияти органларининг раҳбарлари эътиборига етказиш ва мазкур масалаларни ҳал этиш бўйича уларнинг бевосита иштирокини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Бош вазири, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари зиммасига тегишинча Республика кенгаши, худудий кенгашларга жамоатчилик асосида раислик қилиш вазифаси юклатилди.

Фармон билан кенгашлар фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш борасида 37 та аниқ тадбирларни амалга оширишни назарда тутадиган Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида маҳалла фуқаролар йигини Кенгаши таркибиға фуқаролар йигини раисининг ўринбосарларини (фуқаролар йигини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларини), худуддаги профилактика инспекторларини, таълим муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари (оиласий поликлиникалар) раҳбарларини киритиш ва уларнинг ўз фаолияти юзасидан йилнинг ҳар чорагида фуқаролар йигини (фуқаролар вакилларининг йигилиши)га ҳисобот тақдим қилишлари амалиётини жорий этиш белгилаб қўйилди.

Шунингдек, мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар зиммасига фуқаролар йигинларининг бандликка кўмаклашувчи туман (шаҳар) марказлари, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари ҳамда молия ва соғлиқни сақлаш органлари билан ўзаро ҳамкорлигини назарда тутадиган тегишли норматив-ҳукуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси юкланди.

Маҳалла фуқаролар йигинларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш бўйича мустақиллигини таъминлаш, ўзини ўзи бошқариш тизимида ортиқча бўғинлардан воз кечиши мақсадида таркибида маҳаллалар тузилган шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йигинларини маҳалла фуқаролар йигинларига бирлаштириш ва бўлиш йўли билан қайта ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, болалар спорт майдончалари, майший хизмат кўрсатиш обьектларини ташкил этиш мақсадида 2017–2021 йилларга мўлжалланган худудий дастурлар ишлаб чиқилади. Шунингдек, 2018 йилнинг 1 декабрига қадар туманлар ва шаҳарлар марказларида "Маҳалла маркази" мажмуалари биноларини намунавий лойиҳалар асосида барпо этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шу билан бирга, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг зиммасига юклатилган вазифаларнинг амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшган ташаббускор фуқаролар ва жамоатчилик тузилмалари вакилларига тақдим этиладиган "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишонини таъсис этиш назарда тутилмоқда.